



Газнавийларнинг сиёсий куч сифатида юзага келганини ва юксалиши масаласида ҳам биз совет тарихшунослигидаги мавжуд баъзи бир карашларни қабул қила олмаймиз. Чунки илгари газнавийларни (демак, уларнинг чамонини ҳам), асосан, салбий томондан кўрсатишга интилиб келинган, десак муболага бўлмайди. Чунончи, бу сулола асос топган Газна вилояти «исёнкор турк лашкарбошилари»га бойлик орттириш учун қулай жой сифатида шархланиб, ўз-ўзидан шу ерда кучга кирган ва мазкур шаҳар (вилоят) номи танилган газнавийлар сулоласи тарихи ҳам гўё худди шундай мақсад йўлида юзага келган ва фаолият кўрсатгандай баён этилган. Аслида эса тарихий воқелик сабаблари бир нечта.

Биринчидан, Исмоил Сомонийдан кейин сомонийлар орасидан ҳар жихатдан етук, юкори даражада сиёсат юргиза оладиган арбоб етишиб чиккани йўқ. Бунинг оқибатида сомонийлар ўз ички, яъни сулолавий имкониятларидан кўра кўпроқ мавжуд сиёсий муҳит конун-қоидаларига боғлиқ бўлиб қолганлар. Сиёсий муҳитни эса бу вақтда нуфузли лашкарбошиларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Газна вилоятидаги кучлар сиёсий фаоллигининг ошиши ва бориб-бориб алоҳида бир сулола даражасига кўтарилиши ҳам худди шундай йирик лашкарбошилар номи билан боғлиқ бўлганини биз қуйида яққол кўраемиз.

Иккинчидан, Туркистон минтақасида сиёсий тараққиётнинг ўзига хос томонларидан бири — бу даврда худди маданий ҳаётдаги каби бир қатор ўзига яраша кучли давлат арбобларининг, сиёсий сулолаларнинг юзага чиқишидир. Гап шундай ҳолнинг яхши-ёмонлигида эмас, оқибатларидан қатъи назар, шундай вазият содир бўлган ва бу билиб қўйилса ҳар жихатдан фойдалидир.

Газнавийлар сулоласи қандайдир «ўлжапарастлик» кетидан эмас, балки минтақада кечган ижтимоий-сиёсий муносабатлар муҳитида юзага келганлигига доир гувоҳликлар манбаларда етарли даражада топилади. Юкорида биз сомонийлар саройида йирик лашкарбошилар тутган мавқе ҳақида айтиб ўтгандик. 961 йили сомоний ҳукмдор Абдумалик ўлимидан сўнг вазирлар тахтга марҳумнинг ўглини ўтказадилар. Бунга, манба тили билан айтганда, «Сомонийлар хонадони учун мактовга лойиқ хизматлар қилиб келган ҳамда ноиблик ва лашкарбошилиқ йўлини тутган» Алптегин қаршилиқ қилади. Шу тариқа давлат арконлари ва Алптегин ўртасидаги муҳолифлик кучайиб авжига чиқади. Лашкарбоши Бухорони тарқ этади. Хатто шундан кейин ҳам зиддиятлар тугамай, охирида Алптегин ва Бухоро кўшинлари ўртасида тўқнашув содир бўлиб, бухоролик лашкар мағлубиятга учрайди. Сомонийлар хонадони ва Мовароуннаҳр билан алоқани узган Алптегин Газна вилоятида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Унинг вафотидан (963) сўнг Газнада навбати билан Амир Исҳоқ ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий,

Амир Сабуктегинлар хукмронлик киладилар. Газнавийлар сиёсий сулоласига асос солган ҳам аслида ана шу Сабуктегин бўлади. Шу билан бирга Газнанинг минтака сиёсий марказларидан бирига айланишида биринчи салмокли кадамни Алптегин кўйганини ҳам эсдан чикармаслик керак.

Зикр килинганидек, Алптегин сомонийлар билан алокани узган бўлишига карамай, сомонийлар Газнада мужассамлашган ва кулоч ёйиб бораётган сиёсий-харбий кучга доимо эҳтиёж сезиб келганлар. Бунинг яққол исботини Сабуктегин ва сомоний Нух III (976—997) ўртасида Кеш атрофида бўлиб ўтган учрашув (бунда Сабуктегин Нухни кўллаб-қувватлаши хақида ваъда берган), ё бўлмаса 994 йили сомонийларнинг энг ашаддий душманларидан Абу Али Симжурининг тор-мор этилишида Сабуктегин тутган асосий ўрин оркали кўриш мумкин. Сабуктегиннинг обрў-эътибори сўнгта йилларда шу даражада юкори бўлганки, у «дину давлат химоячиси (Носир ад-дин ва ад-давла)» фахрий унвони билан машхур эди.

Газнавийларнинг ҳам расман, ҳам амалан сиёсий куч сифатида тан олиниси 996 йилга тўғри келади. Юкорида кўриб чикилганидек, корахонийлар бир неча марта Бухорога тахдид соладилар. Тилга олинган йили эса Сабуктегин сомонийларни корахонийлар «чангали»дан саклаб қолади. Сомоний Нух III ракиб олдидаги заифлигини сезган холда унга мурожаат килади. Сабуктегин эса Бухорони кўлга олиб, корахонийлар билан келишувга имзо чекади. Бунга кўра Амударёдан жанубда жойлашган барча вилоятлар Сабуктегиннинг номига мухрланади. Унинг вафотидан (997) кейин аввалига тахтга бир оз муддат унинг ўғли Исмоил ва 998 йилдан эса бошка фарзанди Махмуд чиқади. Газнавийлар кудрати ва шухратини оширган хукмдор ҳам аслида ана шу Махмуд хисобланади. Чунончи, унинг хукмронлиги даврида (998—1030) Хоразм, Хуросон, Сейистон, Кобул, Газна, Шимолий Хиндистон каби вилоятлар ва маконлар газнавийлар измида бўлган. Махмуднинг ўлимидан сўнг тахтга унинг ўғли Мухаммад ўтиради, вахоланки, ундан катта ўғли (Масъуд) ҳам бор эди. Ўша замонда ёзилган манбалар шарҳига кўра, Махмуд тахтни кичик ўғли Мухаммадга васият қилиш билан бирга, унга «Аканг Масъуд билан карама-каршиликка борма, агар у сенга карши чикса, урушиб юрма, (бекор) нобуд бўласан», деган. Хакикатан ҳам тез орада Масъуд ва Мухаммад ўртасида мухолифат юзага келади. Масъуднинг Мухаммаддан устун бўлганлигини замондош тарихчилар ҳам тан оладилар. Хуллас, шу йилнинг ўзидаёқ Масъуд тахтни эгаллайди.

Илгарилари ҳам кўп марта кўрганимиздек, одатда, бирон-бир сулола тарихида муаиян маънода бекаму кўст, доимо «ошиги олчи» сиёсатчи тарих сахнасида бир марта чиқади. Газнавийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шунинг учун ҳам Масъуд даври (1030—1041) асосан Махмуд саъй-харакатлари билан кўлга киритилган натижаларни саклаб қолиш йўлидаги уринишлар йиллари бўлди, десак тўғри бўлади. Биринчидан, 1034 йили Хоразм газнавийлар таъсир доирасидан чиқади. Иккинчидан эса Хуросонда бошка бир сиёсий сулола — салжукийларнинг кучайиб бориши ҳам худди мана шу Масъуд даврига тўғри келган. 1035 йилги келишувга биноан Масъуд салжукийларга (Йабгу, Тўғрил, Довуд бошлик кабилаларга) Нисо, Фарова, Дехистон вилоятларини маскан ва яйлов сифатида беришга мажбур бўлади. Вакт ўтиши билан куч-кудрат орттирган салжукийлар 1038 йили Нишопурни эгаллайдилар. Шу йилги Сарахс атрофидаги Масъуд билан жангда мағлуб бўлишларига карамай, кўп ўтмай — 1040 йили Марв ва Сарахс оралигидаги Дандониконда салжукийлар газнавийларга чунонам зарба

берадиларки, шундан сўнг Сабуктегин авлодлари ўзларини ўнглай ололмайдилар. Хуросон кўлдан кетади. Гарчи Масъуд ўгли Мавдуд (1041—1049) ўз хонадонининг илгариги мавкеини тиклашга уринган бўлса-да, бунинг уддасидан чиколмаган. Чунки фурсат кўлдан кетганди. Газнавийлар бундан буён факат Газна вилояти ва Шимолий Хиндистондагина хукм юргизишга кодир бир худудий сулолага айланиб колганлар. Бирок нима бўлганда ҳам 1187 йилга кадар улар ўз фаолиятларини тўхтатганлари йўк. Мавдуддан сўнг сулолага навбати билан Али, Абдурашид, Иброхим, Масъуд II, Арслоншоҳ, Бахромшоҳ, Хисравшоҳ, Хисрав Маликлар етакчилик килганлар. Газнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диккатни жалб этади. У кўп жихатдан сомонийлар, коракхонийлар замонидаги давлат бошқаруви тизимларига якин ва ўхшаш. Бу табиий хол. Чунки илгари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, хар кандай бошқарув тизими (шакли) мавжуд ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маънавий-маданий шароитга боғлиқ бўлади. Бошка томондан эса газнавийлар хукмронлиги остида бўлган Хуросон, Сейистон, Кобул, Газна каби вилоятлар минтаканинг ажралмас таркибий қисмлари бўлиб келганликларини назарда тутсак, бошқарувчилик тараккиётидаги ўхшашликлар, якиликлар сабаби маълум бўлади.

Демак, бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Авваллари ҳам кўрилганидек, даргоҳга олий хукмдор (газнавий хукмдорлар «Амир» унвонига эга бўлганлар) ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган. Улар орасида «хожиблик» хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Газнавийлар даври бўйича манбаларда биз хожибликнинг қуйидаги шаклларига дуч келдик: улуг хожиб, сарой хожиби, навбатчи хожиб, хожиб-жомадор. Улуг хожиб нафакат бошка хожиблар орасида, балки умуман мамлакат ва давлат ҳаётида алоҳида мавкега эга бўлган. Бунга ишора берувчи бир неча мисоллар келтирамиз. Махмуднинг ўлимидан кейин Мухаммаднинг тахтга ўтиришига бош-кош бўлган ва, қиска муддатга бўлса-да, бошқарув ишларини ўз ихтиёрида мужассамлаш-тирган ҳам улуг хожиб Али бўлади. Расмий маросимларда улуг хожиб олий хукмдорга энг якин жойни эгаллаган. Унга гоят муҳим вазифалар юклатилган. Катта аҳамият қасб этувчи жангларда улуг хожибга қўшиннинг энг салмоқли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш вазифаси юклатилган. Масалан, олий хукмдор марказни бошқарса, сипохсалор ўнг канотга, улуг хожиб эса чап канотга қўмондонлик килган. Улуг хожиб ўта жиддий харбий юришлар, махсус сараланган қисмларни текшириш, таъминотини жойига қўйиш тадбирларида ҳам фаол бўлгани маълум. Олий хукмдор иа улуг хожиблараро муносабатлар нечоғлиқ бўлганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, Масъуд улуг хожиб Али Қарибга йўллаган бир мактубида унга «фозил (улуг) хожиб, биродар» деб мурожаат қилади. Сарой хожибининг вазифаси тушунарли — у сарой эшикоғаси бўлган.

Хожибга келсак, фикримизча, хожиблик, умуман олганда, кандайдир бир ижтимоий-сиёсий табақа сифатида кўпроқ намоён бўлади. Фараз қилиш мумкинки, ўз даври учун хожиблик рицарлик тушунчасига якин бўлса ажаб эмас. Масалан, манбаларда шундай маълумотларга ҳам дуч келамизки, улар кенгрок мулоҳаза қилинса, мазкур фараз беасос эмаслиги равшан бўлади. «Тарихи Масъудий»да ўқиймиз: «Амир Абдураззоқ... вилоят амирлиги халъатини қийди... Унинг икки гуломига эса қора (чакмон) бердилар, хожиблик учун». «Хожиб Бадр ва хожиб Эртегинларга иккита қимматбаҳо халъат бердилар. Бадрга улуг хожиблик (халъати), Эртегинга эса гуломлар бошлиги (халъати) берилди». Хожиблар бир вақтнинг ўзида шихна ё сипохсалор мансабига эга бўлганларини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. (Хожиблар одатда қора чакмон ва икки учли

кулох кийиб юрганлар.)

Даргох фаолиятида сипохдор (сарой хизматчиси), даводдор (олий хукмдор шахсий хужжатлари, ёзув-чизуви билан боглик ишларга бош-кош хизматчи), пардадор (махрам, сир сакловчи, пинхона вазифаларни бажарув-чи), мартабадор (саройдаги ўрта даражадаги амалдор), фаррош (саройдаги кичик хизматчилардан), хазиначи, жомахона (кийим-кечак сакланувчи хона) бошлиги каби мансаб ва хизматларнинг ҳам ўз ўрни бўлган.

Девонлар (вазирликлар) ижроия идоралари бўл-ганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Манбаларда бундай девонлардан бештасининг номи тилга олинади: Вазир девони, яъни бош вазир девони; харбий ишлар девони; дипломатик ва бошка расмий тадбирлар, хужжатларни расмийлаштириш, тузиш девони; хисоб-китоб, яъни молия девони; почта-хабар девони. Мазкур девонларнинг вазифалари хакида илгари ҳам сўз юритганимиз учун бу борада яна тўхталиб ўтирмаймиз. Гарчи манбаларда мушрифлик (давлат назорати), мухтасиблик девонлари тилга олинмаса-да, аммо жойларда шундай хизматлар мавжудлигидан уларнинг марказий девонлари ҳам бўлган, деган хулоса чикади (масалан, шаҳар мушриф, вилоят мушриф мансаблари бўлганлиги аниқ). Вилоят бошлигини волий деганлар ва уни олий хукмдор тайинлаган. Вилоят ижроия бошқарув ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлигини раис деб атаганлар. Шаҳар микёсида шихна, кутвол (калъа ко-менданти), сохиби девон (маъмурий бошқарувчи) каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Биламизки, газнавийлар, айникса, Махмуд даврида кудратли кўшинга эга бўлганлар. Олий кўмондонлик хукмдорнинг ўз ихтиёрида бўлганлиги табиий. Бош кўмондонликка (сипохсалор) эса сулоланинг энг ишончли, асосан, шу хонадон намояндаси тайинланган. Масалан, Махмуд бундай мансабга укаси Мухаммад Юсуфни лойик топган. Юкори даражадаги харбий лашкарбошилар салор, ўрта даражадагилари сарханг дейилиб, охиргилари хайлларга (бир неча ўн отликларга) бошчилик қилганлар. Харбийлар ўз почта, козилик хизматларига эга эдилар. Газнавийларнинг ҳам сара-ланган жанговор қисмлари (гвардия) бор эди, аммо улар тўғридан-тўғри даргох ихтиёрида бўлган. Газнавийларнинг ташки алоқалари масаласида икки нарсага эътибор бериш лозим: уларнинг минтака худудидаги муносабатлари ва минтакадан ташқаридаги ало-қалари. Газнавийларни минтаканинг Мовароуннахр, Фаргона, Еттисув, Шаркий Туркистон қисмларида хукмрон бўлган қорахонийлар билан муносабатлари хакида юкорида бир қадар тўхталиб ўтгандик. 1001 йилги Махмуд Газнавий ва Наср Қорахоний ўртасидаги келишувга биноан Амударё икки томон манфаатларини ажратиб турувчи чегара хисобланган.

Гарчи бу ахднома кейинчалик бир неча марта (асосан қорахонийлар томонидан) бузилиб турган бўлса-да, умуман олганда, дарё икки томон учун чегара бўлиб қолаверган. Бунинг сабабини куйидагича тушунтириш мумкин. Газнавийлар учун худди ўзлари каби кучга тўлиб турган қорахонийлар билан муносабатларни кескинлаштиришдан кўра Хоразм ва Шимолий Хиндистонни бўйсундириш ҳам реал, ҳам моддий жихатдан анча нафли эди. Буни шундан ҳам билиб олса бўладики, Махмуднинг ўзи Шимолий Хиндистонга бир неча марта харбий юриш уюштирган, Хоразмни бўйсундирган (1017 йили). Шу маънода Махмуд узокни ўйлайдиган, минтакадаги умумий сиёсий вазиятни яхши биладиган сиёсатчи сифатида гавадаланади. Ҳам худудий, ҳам сиёсий-харбий, иктисодий жихатлардан ўзига яраша кудратта эга бўлган қорахонийлар билан бирданига кескин сиёсат юргизиш қалтабинлик бўларди. Шимолий Хиндистонда, кейинчалик Хоразмда

эришилган сиёсий-харбий ютуқлардан сўнг эса газнавийлар қорахонийлар билан нафақат тенгма-тенг рақобатлаша оладиган, балки улардан устунроқ даврга ҳам етишадилар.

---

Салжукийлар билан муносабатда ҳам Махмуд узокни кўзлаб иш тутди. Гарчи бу вақтда салжукийлар етуклик даражасидан йироқ бўлсалар-да, лекин умуман жиддий харбий куч сифатида Хуросонга хавф тугдиришлари мумкин эди. Айниқса, Махмуднинг Шимолий Хиндистонга уюштирган юришлари чоғида бундай хавф воқеликка айланиши эҳтимолга яқин бўлган. Шунинг учун ҳам у 1025 йили турк-ўғиз уруғларидан бир қисмига (тўрт минг чодир) Хуросондан манзил беради. Кейинчалик Масъуд даврида улар кучайиб, газнавийларга қарши зарба берадилар.

Шимолий Хиндистон билан алоқаларга келсак, совет тарихшунослигида бу ўлкага нисбатан газнавийлар тутган сиёсат босқинчилик, ўлжапарастлик, талон-торожлик хатти-харакатлари орқали тушунтириб келинган. Фикримизча, бундай ёндашув кўп ҳам тўғри эмас. Чунки Шимолий Хиндистон, биринчидан, ўз даврида минтақанинг тарихий таркибий қисми бўлган. Иккинчидан, марказлари Газна бўлган газнавийлар учун Шимолий Хиндистон кўшни ўлка бўлгани табиий. Хуросон ё Сейистонга нисбатан уларнинг интилишлари ва умуман сиёсатлари қанчалик табиий бўлса, Шимолий Хиндистонга нисбатан ҳам шундай эди. Учунчидан, газнавийлар таъсир доирасида бўлган Шимолий Хиндистондаги маҳаллий сулолалар, сиёсий кучларнинг муштаракликка интилишлари, уларга қарши қўриқилар, қаршилик қўриқилари ҳам оддий ҳол бўлган. Шуларни назарда тутган ҳолда газнавийларнинг Хоразм ё Шимолий Хиндистонга харбий юришларини ўша давр сиёсий, иқтисодий, халқаро муносабатлари орқали ба-ҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, биз ҳар до-имдагидек тўқилган қон ва қўрилган талафотларни оқлай олмаёмиз.

Газнавийларнинг минтақадан ташқаридаги алоқалари ҳақида сўз кетса, Араб халифалиги билан муносабатлар тўғрисида тўхталишга тўғри келади. Газнавийлар шу замонга келиб илгариги қудратини йўқотган халифалик ҳурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилганлар. Зеро, бу уларнинг манфаатларига мос келар эди. Яъни, биринчидан, Араб халифалиги шунчалар заиф эдики, минтақадаги бирон-бир сиёсий сулола (масалан, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва газнавийларнинг ўзлари ҳам) уни реал қудрат сифатида тан олмасди. Демак, халифалик томонидан газнавийларга қарши харбий хавф-хатар йўқ эди. Аксинча, Масъуднинг тили билан айтганда, «Агарда халифалик даргоҳига ҳурматимиз бўлмаганда эди, иочор Бағдодга отланиб ҳаж йўлини холи қилиб қўярдик... Агар отамиз қазо қилмай, Хуросонга қайтишга мажбур бўлмаганимизда, албатта, бугун Миср ва Шомда (ҳам ҳукмрон) бўлардик». Иккинчидан, минтақанинг ўзида ҳам газнавийларнинг рақиблари етарли эди. Яна бир, ҳатто заиф, аммо очикдан-очик душман орттириш ортиқчилиги тушунарли. Учунчидан, Араб халифалигининг минтақага қўли етмаса ҳам, «тили» етарди. Яъни минтақадаги сиёсий кучларни бир-бирига гиж-гижлаш, фисқу-фасод уруғларини со-чиш унинг сиёсатида айланиб қолганини биз сомонийлар даврида ҳам қўргандик. Газнавийлар эса халифаликка «ҳурмат» билан қараб, ўзларига нисбатан ҳар қандай бузғунчилик ҳаракатларини бартараф этдилар ва ҳатто ундан рақибларига қарши фойдаланиш имко-нини ҳам четта суриб қўймадилар. Ташқи алоқалар ҳақида сўзни хорижий меҳмонлар-ни қабул қилиш маросимида оид қўйидаги лавҳа билан тугалласак. Баён 1032 йилда Масъуднинг Араб халифалигининг олиймақом элчисини қабул қилиши ҳақида. «Тонг ёриша бошлаган замон тўрт минг сарой

гуломи (яъни гвардия) амирлик саройининг икки тарафидан бир неча катор бўлиб саф тортдилар. (Шундан) икки минг нафари икки учли кулох (кийиб) ва ўнта попуги (осилиб турган) камар (такиб) олгандилар. Хар бир гулом кумуш гурзи (тутиб турарди). Колган икки минг (гулом) тўртта пар кадалган кулохта эдилар. Белларидаги камарга ўкдон, килич, камонни тутиб турувчи кайиш махкамланган, хар бир гуломнинг кўлида камон ва учтадан ўк. Барча (тўрт минг гулом) кимматбахо нафис ипакликдан (тикилган) чакмонда эди. Хос гуломлардан уч юзтаси амир (яъни олий хукмдор) ўтирган супа якинида хар томондан саф тортиб гурардилар. Уларнинг кийимлари янада кўркам (бўлиб) (бошларида) икки учли кулох, камарлари зардан, гур-зилари хам заррин. (Ораларидан) бир неча кишининг камарлари жавохирлар билан безатилганди. Яна эллик-олтмиш нафар (гулом) нарироқда Дилмон саройи ўртасида калкон бўлиб турардилар. Даргох улуглари, вилоятлар волийлари, хожиблар — барчаси икки учли кулохта, зар камарлар такиб олганлар. Сарой ташкарисида мартабадорлар турардилар. Филларнинг сони хам кўп эди. Лашкар эса шай бўлиб, кимматбахо нафис ипаклик кийимда, соябонлар (остида), (хар бир кисм) ўз курол-яроги, белгилари билан бир-бирларига кара-ма-карши томонларга сафлангандилар, (худди) шулар орасидан элчи ўтиши керак эди. Элчини бошловчи безатилган отларни олиб кўпчилик хамрохлигида (ташкарига караб) юради. (У ерда) элчини отга миндирадилар. (Сўнг) уни бошлаб келдилар. (Шунда) бургу, катта-кичик ногоралар овози янграб кетдики, гўё киёмат куни келгандай (дейсан киши). Элчини ана шундай улугвор такаллуф билан кузатиб бордилар. Бундай (кабул маросимини) у умрида кўрмаганди. Гоятда хайратга тушган холда у кўшкка кадам кўйди. Амир (яъни олий хукмдор — А. З.), Оллох ундан рози бўлсин, супа олдида тахтда ўлтирарди. Халифа элчиси салом берди. У кора (кийимда) эди. Жавобни улуг хожа Ахмад Хасан берди. Амир ёнида ундан бўлак хеч кимса ўлтирмаганди. Колган барча тик турарди. Хожиб Абу Наср элчининг тирсагидан тутиб ўлтиришга ундади...».

Газнавийларнинг минтака маданий хаётида тутган роли хакида гапирарканмиз, XI аср фан ва маданияти тараккиёти ва оламшумул ютуқларида улар хукмфармо бўлган макон ва замоннинг ўрни катта бўлган. Албатта, бунинг сабабини энг аввало минтаканинг анъанавий фан ва маданият ўчоги бўлиб келганлиги билан боғлаш мумкин. Шу билан бирга фикримизча, бунда газнавийлар сулбласи намояндаларининг мазкур сохага бўлган муносабатлари, шахсий имкониятлари омиди хам камўрин тутмаган. Чунончи, Махмуд Газнавий она тилиси туркийдан ташкари форс, араб, хатто пахлавий тилларини хам мукамал билган, шеър битган. Шунинг учун хам бўлса керак Махмуд ва умуман газнавийлар хукмронлик килган марказлар ўз даврининг маданий мухитида энг олдинги ўринларда турганлар. Фаррухий, Унсурий, Манучехрий, Утбий, Гардизий, Байхакий, Носир Хисрав каби машхур шоирлар, тарихчилар, олимлар газнавийлар хомийлигида фаолият кўрсатганлар. Буюк аждодимиз Абу Райхон Беруний хам газнавийлар саройида илм билан шугулланиб ўзининг кўплаб машхур асарларини, жумладан, «Хиндистон», «Геодезия», «Хоразмнинг машхур кишилари», «Масъуд конуни», «Минералогия», «Сайдана»ни Газнада ёзган.

Газнавийлар билан яна бир машхур маданият арбобининг номи боғлиқ. Сўз Абулкосим Фардавсий хакида. Форс адабиётининг дахо шоирларидан хисобланмиш Фирдавсий хаммага маълум «Шохнома» асарини ўттиз йилдан ортик вақт ичида ёзиб тугатиб, ўша замон тартиб-қоидаларига кўра давр султони Махмудга такдим этади. Махмуд бу улкан шеърини асар (60 мингдан зиёд байтдан иборат) учун таомилга кўра шоирни такдирлаши

ва хурматини ўрнига қўйиши керак эди. Аммо у бундай қилмайди. Баъзи бир адабиётларда бунинг учун Махмудни коралаш конун тусига кириб қолганлигини назарда тутиб, бу масалага равшанлик киритишга ҳаракат қилайлик. Фирдавсий ўз халқи фарзанди ва куйчиси сифатида табиий равишда Эронзамин ва эрон халқини мадҳ этади. Ва бунда эронликларнинг тарихи ва фазилатлари (донолиги, шижоати ва хоказо) масаласини ёритишда уларга туронликларни қарши қўяди. Бугунги кун тили билан айтганда асарда туронликлар салбий «қахрамонлар» сифатида гавдаланадилар. Туркийнасаб ҳукмдор сифатида Махмуд буни қабул қилолмаслиги табиий эди. Қайси ҳукмдор ўз халқига қарши руҳда битилган асарни тақдирлаган? Бундайи йўқ. Шунинг учун бу борада Махмудни айблаш тарихий ҳақиқатга ва умуман мантиққа зиддир. Газнавийлар даврида қурилиш, маърифий ишларга ҳам катта эътибор берилгани маълум. Газна, Балх, Нишопур, Шимолий Хиндистон шаҳарларида мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар қўллаб қурилгани манбаларда ўз аксини топган. Мадрасаларда турли соҳадаги фанлардан дарс берилган, илми толиблар учун ўз замонасида бой ҳисобланган кутубхоналар эшиги доимо очик бўлган.

Азамат Зиё